

VII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш.2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 105,1 млн.тонна юк ташылган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1100,5 млн.тн-км. бўлиб ва 99,8 фоиз ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	<i>2018 йил январь–сентябрь</i>	<i>2017 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
--	-------------------------------------	--

Ташилган юк, млн. тн	105,1	101,1
----------------------	-------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	105,1	101,1
------------------------	-------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	1100,5	99,8
--------------------------	--------	------

шу жумладан:

автомобил транспортида	1100,5	99,8
------------------------	--------	------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь–сентябрга нисбатан 100,9 фоизга кўпайди ва 172,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 15,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь–сентябрида 15,5 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 947,9 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,7 фоизга кўпайиб, 8 370,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади

	<i>2018 йил январь–сентябрь</i>	<i>2017 йил январь–сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	947,9	103,7
шу жумладан, автомобил транспортида	898,2	103,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	8 370,1	103,7
шу жумладан, автомобил транспортида	8 007,5	103,3

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 101,7 фоизга кўпайди ва 4 887,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 61,0 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрида 61,8 фоиз).